

ЯНГИ ТИЗМАЛАРНИНГ ТОЛА СИФАТИ

Ахмедов Джамалхан Ходжаханович, б.ф.д., профессор

Равшанов Аъзам Эркинович, қ.х.ф.д., профессор

Жабборов Жамолiddин Сирождидинович, таянч докторант

Хожамбергенов Насим Маменович, қ.х.ф.д., катта илмий ходим

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

Мирхамидова Гавхар Махмуджоновна, изланувчи,

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти

Аннотация. Мазкур мақолада вилт билан табиий зарарлантирилган тажриба майдонида, андоза навиға нисбатан институтнинг кичик нав синовида синалган ғўзанинг янги яратилган тизмаларни тола сифати ўрганилган. Ўрганилган 6 та тизмаларнинг асосий технологик сифат кўрсаткичларидан микронейри, солиштирма нисбий узилиш кучи (*Str*), юқори ўртача узунлик (*UHML*), узунлик бўйича бир хиллик индекси (*Unf*) ва ип йигирувчанлик коэффициентини (*SCI*) андоза навиға нисбатан ўрганилиб тахлиллар натижалари келтирилган.

Калим сўзлар: ғўза, тола, сифат кўрсаткичлар, андоза, микронейри, солиштирма нисбий узилиш кучи, юқори ўртача узунлиги, бир хиллик индекси, ип йигирувчанлик коэффициентини.

Аннотация. В данной статье приведены результаты изучения технологических качеств волокна новых линий хлопчатника испытанных в станционном сортоиспытании института на искусственно заражённом вилтовом фоне. Где приведены результаты анализа основных показателей технологических качеств волокна - коэффициент прядильности(*SCI*), индекс однородности, высокая средняя длина, относительная разрывная нагрузка(*Str*), изученных 6 линий по сравнению со стандартным сортом.

Ключевые слова: хлопчатник, волокно, технологические качества, стандарт, микронейр, относительная разрывная нагрузка, высокая средняя длина(*UHML*), индекс однородности (*Unf*), коэффициент предельности (*SCI*), микронейр.

Abstract. This article presents the results of a study of the technological qualities of the fiber of new cotton lines tested in the institute's station variety testing on an artificially infected wilt background. Where are the results of the main indicators of the technological qualities of the fiber – spinning coefficient (*SCI*), homogeneity index, high average length, relative breaking load (*Str*), of the 6 studied lines compared to the standard grade.

Keywords: cotton, fiber, technological qualities, standard, micronaire, relative breaking load, average length, uniformity index, spin ability index.

Кириш. Маълумки, ҳар бир янги яратилаётган ғўза нави нав даражасига етиб боргунга қадар бир қатор жараёнларни утайди. Бунда авваламбор чатиштириш учун ота-оналик намуналар танланади, чатиштирилади ва олинган дургайлар биологик кўчатзорида уч йил ўрганилаиб, тавсия этиладиган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда ушбу кўчатзорда навнинг тузилиши, тезпишарлиги, кўсак ва баргининг тузилиши, шохланиш тип, биринчи ҳосил шохини пайдо бўлиши, баландлиги ҳамда битта кўсак вазни ва сони, тола чиқими ва сифати эътиборга олинади. Тўртинчи йил селекция кўчатзориға ўтказилиб селекция жараёни давом эттирилиб асосан биологик кўчатзорида танлаб олинган тузилиши ва бошқа қимматли хўжалик кўрсаткичлари бўйича оилавий материални наводорлигини (98-100%) андоза талабларига етказиш бўйича танлаш ишлари олиб борилади. Навдорлиги меъёрига етказилган оилалар орасидан барча кўрсаткичлари бўйича андоза навидан юқори бўлганлари тизма сифатида синаш учун кичик нав синовиға ўтказилади.

Кўп йиллик изланишлар натижасида бир қатор серхосил, тезпишар, тола чиқими ва сифати юқори ҳамда касаллик ва зараркунандаларга бардошли янги тизмалар ажратиб олинди. Бу ерда яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, яъни ҳар бир янги яратилган тизманинг барқарорлиги унинг тезпишарлиги ва ҳар бир тупдаги қимматли хўжалик белгиларининг хусусиятлари ва кўрсаткичларидан ташқари тола сифат кўрсаткичларига ҳам боғлиқдир.

В.А.Автономов ва бошқаларнинг (2010) тадқиқотларида тола узунлиги билан тола чиқими, бир донга кўсакдаги пахта вазни, вегетация даври давомийлиги, биринчи шох жойлашиш баландлиги белгилари орасида корреляция кузатилмаган. F_2 дурагай ўсимликларида юқорида кўрсатилган белгилар боғланмаган ҳолда ирсийланганлиги сабабли тола узунлиги юқори бўлган намуналарни танлаш имконияти пайдо бўлганлиги аниқланган.

Б.Аллашовнинг изланишларида (2006) ғўзанинг қимматли – хўжалик белгилари ўртасидаги коррелятив боғлиқлар ўрганилиб, қўш дурагай оилаларда кўсак вазни билан тола узунлиги, тола чиқими белгилар ўртасидаги боғлиқликлар оддий дурагайлаш услубида олинган оилалар кўрсаткичларига нисбатан бир мунча ижобий томонга силжиганлиги кузатилган.

Ж.Унғаровнинг (2024) тадқиқотларида турлараро мураккаб дурагайлаш асосида қимматли хўжалик белгилари, ҳосилдорлик потенциали ва асосий тола сифат кўрсаткичлари юқори, стресс омилларга нисбатан бардошли бўлган ғўзанинг янги СП-1303, С-1306, СП-Камолот ва Камолот-79 навларини экиш ва юқори ҳосил олиши аниқланган.

Д.Тўраева ва Ш.Ибрагимовлар (2018) томонидан узоқ шакиллари дурагайлашда махсулдорлик ва тола индекси белгиларини ўрганилган. Австриянинг Auburn-M, Brojers, Deltanne ва маҳаллий С-8284, Чарос ва Омад ғўза навларида ҳосил элементлари сони кўплиги кузатилганлиги келтирилган

Натижалар ва мунозара. Изланишларимизда институт

Кичик нав синовида синалган янги тизмаларнинг тола сифат кўрсаткичлари

№	Нав ва тизмалар номи	Микронеёр Mic	Солиш тирма узилиш кучи Str, гк/текс	Юқори ўртача узунлик UHML	Узунлик бўйича бир хиллик индекси, Unf	Ип йигирувчанлик коэффициент SCI
1	C-6524 st	5,1	27,9	1,09	80,3	134,8
2	T-502	4,4	28,7	1,09	81,7	149,7
3	ЛТ-8	4,8	32,7	1,16	83,1	151,0
4	Б-15- К/22	4,7	30,4	1,12	82,6	151,9
5	T-1909	4,3	29,7	1,10	81,2	137,4
6	T-7277	4,6	29,9	1,16	83,4	151,8
7	T-7296	4,2	28,1	1,10	81,8	147,0

олимлири томонидан яратилган 6 та янги кичик нав синовида топширилган тизмаларни андоза навиға нисбатан вилт билан табиий зарарлантирилган тажриба майдонида асосий тола сифат кўрсаткичларини ўргандик. Бунда толанинг микронеёри яъни толанинг ингичкалиги ва пишиб етилганлиги бўйича тизмаларнинг кўрсаткичи 4,1 дан 5,1 гача оралиқларида бўлганлиги кузатилди. Андоза C-6524 ғўза навининг кўрсаткичи 5,1 га тенг бўлиб, диапазони бўйича “дағал”, ЛТ-8 тизмада 4,8, Б-15 (К/22) тизмада 4,7 га, Т.Л-511 ва Т-7277 тизмаларида 4,6 га тенг бўлганлиги кузатилди. Қолган Т-502, Т-1909 ва Т-7296 тизмаларнинг кўрсаткичи 4,1-4,4 оралиқларида кузатилиб, микронеёр даражаси “ўрта” бўлганлиги аниқланди.

Толанинг солиштирма узулиш кучи тизмаларнинг кўрсаткичлари 27,9 дан 32,7 гк/текс оралиқларида бўлиб, Андоза навда 27,9 гк/текс ва Т-502, Т-7296 тизмаларни кўрсаткичи 27,0-28,9 гк/текс оралиқларида бўлиб, “Базавий мустаҳкам” даражада, Б-15 (К/22), Т-1909 ва Т-7277 тизмаларида 29,0-30,4 гк/текс оралиқларида, “ўртадан юқори” даражада бўлганлиги кузатилди. Энг юқори кўрсаткични ЛТ-8 тизмасида 32,7 гк/текс бўлиб, даражаси “мустаҳкам” бўлганлигини кузатилди.

Толанинг юқори ўртача узунлиги бўйича тизмаларнинг кўрсаткичлари 1,09 дюймдан 1,16 дюймгача бўлиб, андоза ва Т-502 тизмада 1,09 дюйм, Т-7296 ва Т-1909 тизмада 1,10 дюймни ташкил этди. Энг юқори кўрсаткични Т-7277 ва ЛТ-8 тизмаларида 1,16 дюйм бўлиб, толаси IV тип талабларига мос жавоб берилиши аниқланди.

Толанинг узунлик бўйича бир хиллик индекси Т-7277, ЛТ-8 ва Б-15 (К/22) тизмаларида 82,6-83,4% оралиқларида кузатилиб, толанинг узунлик бўйича бир хиллик даражаси “ўртадан

юқори” бўлганлиги кузатилди. Андоза сифатида олинган C-6524 нави, Т-502, Т-1909, Т-191, Т-50, Л-526, ТТ-2 ва Л-33 тизмаларининг кўрсаткичлари 80,0-81,9 % оралиқларида бўлиб, даражаси “базавий бир хиллик” ни ташкил этди.

Бугунги кластерларни талаби бўйича толанинг асосий кўрсаткичи ип йигирувчанлик хусусиятидадир. Бунда вилт билан табиий зарарлантирилган фонда ўрганилган тизмаларнинг кўрсаткичлари 134,8-154,8 оралиқларида кузатилди. Энг юқори кўрсаткичларни ЛТ-8, Б-15 (К/22) ва Т-7277 тизмаларда кузатилиб, диапазони 150 дан баланд бўлиб, даражаси “жуда юқори” га, Т-502 ва Т-7296 тизмалари 140-149 оралиқларида бўлиб, даражаси “юқори” бўлганлиги кузатилди. Андоза нав ва Т-1909 тизмасининг кўрсаткичлари 130-139 оралиқларида бўлиб, даражаси “ўрта” бўлганлиги кузатилди.

Кичик нав синови намуналарининг асосий тола сифат кўрсаткичларидан микронеёри, солиштирма узилиш кучи, тола узунлиги, узунлик бўйича бир хиллик индекси ва ип йигирувчанлик коэффициенти бўйича Т-502, Б-15 (К/22), Т-502, Т-7277 ва Т-7296 тизмаларининг кўрсаткичлари диапазони ва даражаси бўйича юқори бўлганлигини аниқланди.

Хулоса. Умуман олганда вилт билан табиий зарарлантирилган тажриба майдонида ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра кичик нав синовида синалган янги тизмаларнинг асосий тола сифат кўрсаткичлари бўйича Т-502, ЛТ-8, Б-15 (К/22), Т-1909, Т-7277 ва Т-7296 тизмаларининг диапазони ва даражаси бўйича андоза навидан юқори бўлганлигини ва уларга қўйилган андоза талабларига жавоб бериши аниқланди. Ушбу тизмалар юқори тола сифатига эга навлар яратишда донор сифатида тавсия этилади ва улар устидан селекция ва уруғчилик ишлари давом эттирилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Автономов В.А., Кимсанбаев О.Х., Тангиров З. Изменчивость и наследуемость массы хлопка – сырца одной коробочки на растений у межлинейных гибридов F1-F2 хлопчатника. // Мат. научно-практ. конф. “Теоретические и практические аспекты развития селекции и семеноводства хлопчатника и люцерны”. –Ташкент. 2010. с. 123-128.
2. Аллашов Б. Изучение коррелятивных связей скороспелости с рядом хозяйственно-ценных признаков. // Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективны ее развития. Мат. межд. научно-практ. конф. – Ташкент. 2006. с. 52-55.
3. Ж.Унғаров. Мураккаб турлараро дурагайлаш асосида яратилган янги ғўза навларининг айрим хўжалик белгилари бўйича таҳлили // Агро илм журнали, Тошкент. №2 [99], 2024.-Б.7
4. Тураева Д, Ибрагимов Ш. Результаты отдалённой гибридизации по урожайности и индексу волокна // O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI / №5, -Тошкент. 2018, -Б.34